

ILMIY TADQIQOTLAR
SAMMITI
2021



ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР САММИТИ

Республика кўп тармоқли илмий
саммит материаллари

ТҮПЛАМИ

12 июнь, 2021 йил
ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
«ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ»
ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ**



“ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР САММИТИ”

*Республика кўп тармоқли илмий
саммит материалари тўплами
(12 июнь, 2021 йил)*



ТОШКЕНТ – 2021

Мазкур кўп тармоқли республика илмий ишланмалар ва тадқиқотлар саммити Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 30 августдаги ПҚ-4433-сон Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан масофавий шаклда ўтказилиб, нашрга тавсия этилди.

МАСЪУЛ МУҲАРРИРЛАР:

Сагдулаев Анатолий Сагдулаевич – ЎзР. Фанлар академияси академиги.
Ширинова Раима Ҳакимовна – филология фанлари доктори, профессор.
Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна – тарих фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдурашид Турғунов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
Комил Ибрагимов – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
Жалолиддин Юсубов – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
Ғулом Абдураҳмонов – кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
Бахром Хайназаров – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
Хасан Абдусаматов – психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
Рамзиддин Кўчаров – физика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
Шерали Қўзиев – биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

ТЕХНИК МУҲАРРИРЛАР:

Гулбону Куватова, Сироҷиддин Салохов, Маствура Холматова,
Ахрорбек Ғаниев, Акмал Шукуров, Мирилишер Ҳасанов.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА КОТИБИ:

Усманов Абдумўмин Холмўминович

- Тўпламга киритилган маълумотлар учун муаллифлар масъулдор!

МУНДАРИЖА

Т/р	Муаллифлар	Мақола ва тезислар номи	Саҳифаси
1.	Абаев А.А.	Таълим жараёнида ўқувчи шахсига психологик таъсир кўрсатиш	19
2.	Аббазов Б.Т., Бобоҷонов Р.Т.	Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машиналарининг конструкцион таҳлили	21
3.	Abdijabbarov A. D.	S.Ibragimov lirikasında kórkem súwretlew usíllarí hám oniň kórkem teksttegi áhmiyeti	23
4.	Abdinazarov D. Y., Alekseyeva V. S.	Noinstitutionalization tushunchasi va xususiyatlari	25
5.	Абдирамонов.П.А.	Арал ҳэм мойнақ	28
6.	Абдувалиева К.Х.	Педагогические основы использования методологии кейс-стад в модульной системе обучения химии	30
7.	Абдукаримов Ж.А.	“Мунтахаб ат - таворих” асари муаллифи Мұхаммад Ҳакимхонинг темурийлар даври айrim хусусиятларига оид маълумотлари	32
8.	Абдулахатов Н.У.	Редкая рукописи Азарбайджанских поэтов в библиотеке ходжа маргилани	34
9.	Абдуллаев И.К., Юлдашева Л.О.	Тиббиёт олийгоҳларида фаолият юритувчи профессор-ўқитувчилари орасида касалланишининг айrim тиббий-ижтимоий жиҳатлари	36
10.	Абдуллаев Б.А., Куватова Г.М.	Низолар ва унинг ижтимоий-психологик табиати хусусида	40
11.	Абдуллаева Р.Г.	Хунармандчилик тараққиётида “уста - шогирд” мактабларининг аҳамияти	44
12.	Abdullahayeva O.O.	Odil Yoqubov hayoti va ijodini o'rgatishning samarali usullari	47
13.	Abdullahayeva M.M.	Qiyosiy tahlil: zamonaviy mакtabda boshlang'ich ta'lif muammolari	50
14.	Абдуллаева Р.Г.	Саноат корхоналарини ривожлантиришининг асосий жиҳатлари	54
15.	Абдуллазизов А.Х.	Ёш олим мавқеи хақида айrim фикрлар	57
16.	Абдуманнопова З.М.	Хомиладор аёлларда варикоз касаллигинининг хусусиятлари	60
17.	Абдуназаров Н.	Ўзбекистон шароитида ўстириладиган Dunaliella salina микросувўти биологик фаол моддаларининг фармакологик хусусиятлари	62
18.	Abduraxmonov A.	Tabiat va qahramon konsepsiysi	64
19.	Абдурахимов С.А., Долимов Х.Х., Махнев А.А., Баймирзаев А.Б., Нарзуллаева И.У., Азимова Ш.С.	Правила конструирования и подбора олигонуклеотидов для количественного ПЦР анализа	66
20.	Abdusalomova Sh.N.	Oilaviy nizolar va ularning yechimlari	69
21.	Abdusattarova Sh.	Ta'lif tizimida psixologik xizmatning ahamiyati	72
22.	Абдуҳамидов М.А.	Абул Қосим Ҳаким Самарқандий – Ином Мотуридий издоши сифатида	76

173.	<i>Mamajonov D.A.</i>	Sport ta'limi olimpiya pedagogikasining asosiy yo'nalishi sifatida	440
174.	<i>Mamajonova R.A.</i>	Xulq – atvor va odatlarni shakllanishining psixologik tavsifi	443
175.	<i>Мамажонов А.Ў., Маманазарова Д.Б.</i>	Кичик юза тупроқ ҳовузларида карп туридаги балиқларни интенсив усулда етиштиришнинг Фарғона технологияси	445
176.	<i>Маматов Б.Қ.</i>	Ўзбекистон республикаси экспортини ошириш имкониятлари	449
177.	<i>Mamatova Z.X., Orifjonova Q.M.</i>	Matematika fanini mukammal bilish yaxshi hayot va taraqqiyot uchun kurash demakdir	452
178.	<i>Mamatova N.R.</i>	Reproduktiv madaniyatni shakllantirishning ijtimoiy-psixologik omillari	453
179.	<i>Мамирова Ф.С.</i>	Талаба ёшларнинг ижтимоий тармоқларга тобелигини психологияк хусусиятлари	457
180.	<i>Matkarimova F.A.</i>	Increasing the interest of the young people in fine literature and inviting them to study the works of our jadidi ancestors	460
181.	<i>Matniyazova A.D.</i>	Psixologiya sohasining hozirgi davrdagi ahamiyati va vazifalari	461
182.	<i>Матяқұпов С.Г.</i>	Абдулла Орипов шеъриятида муаллиф ва лирик қаҳрамон мұлоқоти яхлитлiği	463
183.	<i>Maxmudov N.K., Komilova G.</i>	Yoshlarda tabirkorlikni tarbiyalash iqtisodiy tafakkurni sakllanishining asosiy omili	466
184.	<i>Maxmudova M.M.</i>	Inson hayotida irodaviy xususiyatlarni shakllanish bosqichlari	468
185.	<i>Махмудова Да., Реджабоева М.З.</i>	Мактабгача таълим ёшидаги болаларда қадриятлар шаклланининг психологик хусусиятлари	470
186.	<i>Mahmudov J.K.</i>	O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning istiqbollari va raqamli iqtisodiyotning investitsion muhitga ta'siri	471
187.	<i>Masharipova B.N.</i>	Talabalarda tolerantlik muammosining xorij adabiyotlaridagi taxlili	474
188.	<i>Masharipova N.Sh.</i>	Psixologiya sohasining hozirgi davrdagi ahamiyati va vazifalari	477
189.	<i>Мелиқулов А.Н.</i>	Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда рақамли маркетинг технологияларидан самарали фойдаланиш	479
190.	<i>Мирзаев Ф., Жўракулов X., Жўракулова Да.,</i>	Омонқўтон ноёб ландшафтларини ўрганиш масалалари	483
191.	<i>Мирзаев А.Т.</i>	Колониал давр пахтачилигига сифатли тола етиштириш масалалари	485
192.	<i>Мирзаева А.</i>	Оммавий ахборот воситаларининг ўсмиirlар ва ёшлар психологиясига салбий таъсирлари	488
193.	<i>Музafferова Г., Нигматов А.М.</i>	Автоматизированная система контроля засолённости грунтовых вод	490
194.	<i>Munavvarxonova M.M.</i>	Pedagogik fanlarning uzviy bog'liqligi va ularni amaliyotda qo'llash	491
195.	<i>Murtazayeva M.X.</i>	Bolalarda nutq madaniyatini shakllantirish	494

sodda, bevosita jarayonlari bo'lib hisoblanadi. Ko'rgazmalilik tamoyili o'qitishda mazkur jarayonlaming imkoniyatlaridan kengroq foydalanishni nazarda tutadi. Psixologik bilimlami egallab, talabalar ko'pincha nazariy bilimlar bilan konkret psixik hodisalar haqida ko'rgazmali tasavvurlami bir-biriga bog'lashda qiynaladilar. Ko'rgazmalilikning turli usullaridan foydalanib, psixologiya o'qituvchisi talabalarga egallanayotgan psixologik bilimlami konkret ko'rgazmali mazmun bilan boyitishda, odamlar faoliyati, xatti-harakatlarida muayyan psixologik qonuniyatatlami ko'ra olishga o'rganishda yordam beradi.

Maktab jarayonida ham psixologiya sohasining bir qancha vazifalari turibdi. Maktablarda tashkil etilgan psixologik xizmat ko'rsatish ishlari maktab psixologlari tomonidan olib boriladi. Maktab psixologining vazifalari, huquq va majburiyatlar. Vazirlar Mahkamasining 577-sonli qarori bilan tasdiqlangan. Maktab jarayonida maktab psixologining muhum vazifalari quyidagilardan iborat:

-O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish

-O'quvchilarni va ularni ota-onalarini psixologik jixatdan o'rganish uchun test va so'rovnomalar olish va yordamga va korreksiyaga muhtoj o'quvchilar va ota-onalarga tegishli tavsiya, maslahatlar berishi, treninglar tashkil qilishi

-Muommoli, tarbiyasi og'ir shuningdek tanglik holatidagi o'quvchilarni aniqlab vaqtida tegishli yordam berish me'yordan og'ish holatlarini oldini olish kabi bir qator vazifalari mavjud.

Shuningdek maktab psixologi barkamol avlod va yetuk shaxsnı rivojlanib chiqishi uchun ota-on va farzand, o'qituvchi va o'quvchi, o'qituvchi va pedagogik jamoa, ota-on va maktab orasidagi psixologik muhitni yaxshilashdek samarali ishlarni amalga oshirib boradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Umumiy psixologiya. T.:O'qituvchi, 1992. – 512 s.
2. Nemov R.S. Psixologiya Kn. M.: Prosveshenie – 1994. – 576 s.
3. G'oziev E. Psixologiya. T.: Wqituvchi, 1994 – 300 b.
4. Klimov E.A. Osnovi psixologii. Ucheb. M.: YuNITI, 1997. – 295 s.
5. Godfrua J. Chto takoe psixologiya. T. M.: Mir. 1992 – 496 s.
6. Karimova V.M. "Ijtimoiy psixologiya asoslari" T. 2004y.
7. G'oziev E. "Shaxs psixologiyasi" T. 2004y.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА МУАЛЛИФ ВА ЛИРИК ҚАҲРАМОН МУЛОҚОТИ ЯХЛИТЛИГИ

Матяқупов С.Г.

*Нукус далат педагогика институти
Ўзбек адабиёти кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент.*

Аннотация. Мақолада шеърий нутқ шаклланишида муаллиф ва лирик қаҳрамон позицияси ўзига хослиги, мулокот жараённида диалог ва монолог мақоми А.Орипов ижоди мисолида назарий умумлаштирилади. Унда тасдиқ ёхуд инкор экспрессияси, поэтик мунозарада рационал ҳамда ахлоқий ўлчам, лирик ифода субъекти ва тасвир объекти омухталашуви хусусида мулоҳаза юритилади.

Калим сўзлар: диалог, монолог, бадиий нутқ, ривоя техникаси, лирик ифода, тасвир.

Ҳар бир шеърий дунёқарааш руҳий таҳлил асосига қурилади. Ўз навбатida таҳлил малакаси ифода ҳамда тасвир муносабатига таянади. Шунга кўра, мантиқий алоқадаги шоир концепцияси ва қаҳрамон позицияси ўзаро рақобатга киришади ҳамда ифода субъекти ва тасвир объекти омухталашуига замин ҳозирлайди. Шу маънода, поэзияда ривоя техникаси, биринчидан, ижодкор кўнглидаги муддаони аниқловчи вазифасини ўтайди, иккинчидан, матн коммуникатив-ижодий алоқасини таъминлайди, учинчидан эса маъно семиотик таянч марказларни белгилаб беради. Таъкидлаш керакки, адабий талқин жараённида маданият, ахлоқ, фалсафа ҳамда мантиқ бир-бирини тақозо этадиган тушунча ҳосил қиласди:

Ота дер: – Алдама, сен мени, болам,
Бари қилмишингни сезиб юраман.
Агар қуилмасанг мендан кейин ҳам,
Билиб қўй, гўримда тикка тураман [1, 56].

Абдулла Орипов қаламига мансуб “Ота ва бола” шеъри бор-йўғи икки банддан иборат. Мўжаз адабий талқин, бир қарашда, жўн туюлса-да, авлодлар ўртасидаги зиддиятлар ҳажмини қамраб олади. Тўғрироғи, биринчи бандда ота саволи, иккинчи бандда фарзанд жавоби матн асосини тайин этади. Бола тарбияси азал-азалдан халқимизнинг боқий қадриятларидан ҳисобланади. Шеърда ҳазиломуз, айни пайтда, ҳикматомуз мулоқот жараёнида икки қаҳрамон позицияси нисбий мустақиллиги сақланади. Халқ тилидан олинган ибора (гўрда тик турмоқ) бадиий мушоҳадага эстетик жозиба бағишлайди. Манзарада ота ва бола ўртасида вужудга келган ёш, дунёқараш, манфаат-эҳтиёж ва мақсад-интилишлар тафовути бир-бирига қарши қўйилади. Моҳият идроки айнан диалоглашган онг ёрдамида марказлаштирилади:

Бола дер: – Отажон, мени биласиз,
Бирга давру даврон сурा беринг-да.
Ўша қора гўрда нима қиласиз,
Мана, уйда тикка тураберинг-да [1, 56].

Аҳамият берилса, муаллиф позицияси вазиятни нозик қочирим орқали ифода қиласи. Нисбатан юмшаган оҳанг мусаффо, тоза қалб кирраларини очади. Ҳаётнинг аччик-чучугини татимаган навқирон авлод ҳоли турмуш сир-асрорини яхши англамайди. Ифода ғоят нозик, тасвир эса сиқик, услуг баркарор туюлган сатрларда ажиб бир фикрий кенглик намоён бўлган ҳолда адабий талқинда изтироб ҳамда истихола бўртиб қўринади. Зоро, “Шеърият оригиналлиги билан қимматли. Аслида қайсарлик ва ўжарлик муросани йўқ қиласиган сифатлар. Лекин шоирнинг оригинал назари муроса қайсар ва ўжар экани сабаблигина адоқсиз хатоларга қарамай, муносабатлар сақланиб қолинганини кўради ва бошқаларга етказади” [3, 225]. Оний лаҳзадан кутилмаган руҳий ҳолат белгиларини илғаган шоир муаллиф нутқи ҳамда қаҳрамон аъмоли бирлашувига замин ҳозирлайди. Бир қарашда, ўқувчи лирик субъектни англаши қийин кечади. Негаки, бадиий тасвирдаги ҳолат шуни тақозо этади.

Маълумки, шеъриятда нутқий ифода шакллари бир-бири билан тифиз муносабатга киришган ҳолда бадиий шартлиликни вужудга келтиради. Лирик талқинда туйғу ҳамда онг мувозанати нисбий ижодий мустақилликка интилиши масала моҳиятини янада ойдинлаштиради. Назмда бадиий нутқ тадрижи мураккаб жараён сифатида намоён бўлади, унда ўтиш шакллари (монологлашган диалог – диалоглашган монолог) хилма-хиллиги кузатилади. Адабий таҳлил ва эстетик идрокда мужассам эркинлик даражаси гоҳ нутқий ифода бошқарувини етакчи ўринга олиб чиқса, гоҳида риторик оҳангдошликтини диққат марказига кўчиради. Шунга қарамасдан, лирик ифодада асосан монологлашган онг ўзаро муносабатлар баёнига асос бўлади.

Лириканинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида Жамол Камол ўз изланишларида шундай фикр билдирган эди: “Лирика инсон ўз шахсини таниган, ўзини шахс сифатида англаган, ўзини олам ичра бир одам деб билган ва ташқи, объектив оламга ўз шахси оламининг ойналари орқали қараган шароитда пайдо бўлади. Инсон ўз шахсини олам билан қиёслайди, гоҳо унга қарама-қарши қўяди, гоҳо ташқи олам билан туташ ва пайваста эканлигини қайд этади” [2, 86-87.].

Бу ҳолат А.Орипов шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари биридир. Шоирнинг жуда кўп шеърларида муаллиф ва лирик қаҳрамоннинг ўзаро мулоқоти акс этади.

Ташландиқ бу уйнинг соҳиби кимдир?
Ё фалак! Бу ҳолнинг сабабин билдири!

Бир қуш ярим тунда беради садо,
Саволимга жавоб бергандай гўё:

– Не керак гапингнинг негаси,
Ё шоир, ё марҳум бунинг эгаси [1, 65].

Шоирнинг “Чала иморат” шеърида инсон ибтидоси ва интиҳоси хусусида баҳс юритилади. “Атрофи ўраю тошдан иборат” чала иморат чексиз ўй-хаёлларга толдиради. Шеърдаги “Хотирами дейсан у қаттол жангдан, Ё ёдгор асрлар қолдирган чангдан” сатрларидаги поэтик манзара ўқувчида “маҳзун, bemажол” ҳиссиёт уйғотади. Ижодкор шоир ва марҳумни бир-бирига тенглаштиради. Шу таҳлит адабий талқинда изтиробнинг ўзгача тасвири пайдо бўлади. Туйғулар замирида ҳосил бўлган кайфият кишида ўзига хос ҳиссиёт уйғотади. Мақсадини холис кўрсатишга интилган шоир бадий матн яқунида руҳий таҳлил малакасига кўчади. Унда ички диалоглашган нутқ мунозара моҳият билан тенглашувига замин ҳозирлайди. Нуктаи назар, баҳолаш мезони ҳамда ифода мустақиллиги нутқ бадий уйғунлашувини тақозо этади. Натижада муаллиф монологи, мулоқот шакли ички зиддияти ҳамда ривоя техникаси интизоми ўзаро жипслашади. Айнан лирик субъект ва руҳий кечинма яхлитлиги фалсафий моҳиятни белгилайди.

Инсон тафаккур тарзида нутқ малакаси бир-бирига ўтиб туради. Унда таҳлил ва талқин ўрин алмашинувлари ҳал қилувчи вазифа саналади. Айнан лирик “мен” эстетик қиймати ҳаётга позитив муносабат ҳамда баҳолаш мезони жипслашувини вужудга келтиради:

Шогирд хитоб қилди устозга қараб:
– Омадим келмайди сира, во ажаб!
Устоз жавоб қилди: – Сиз кўп, омад оз,
Ҳаммага етмайди омад. Шу сабаб [1, 72].

Шеърдаги ҳаётий-маиший мулоқот инсон ҳаёти тажриба ва синовдан иборатлигини асослайди. Омад тушунчалик аслида интилиш ҳамда машаққат маҳсули, ушбу тушунча замирида меҳнат ва заҳмат акс этади. Шогирд ва устоз сухбати мана шу азалий ҳақиқатни яна бир бор тақрорлайди. Кутилган савол ва мантиқий жавоб омухталашуви шеър руҳиятини белгилайди. Шафқатсиз ҳукм-хулоса аниқлиги шогирд саволига маъно-моҳият киритади. Муаллиф туйғу ва мушоҳада қамровини сезади, лирик қаҳрамон позициясига таъсир ўтказади. Бу ҳолат бир томондан, енгил шеърий шарҳ ҳаракатини таъминласа, иккинчи томондан, мантиқ изчиллиги ва мушоҳада ҳаётийлигига ишора қиласи.

Адабиётшунос Д.Куронов таъкидлаганидек, “Бадий мулоқотга киришаётган ижодкор репрезентатив, экспрессив ва аппелатив мақсадларни кўзларкан, асарнинг ташкилланиши (структуря) шу учала мақсаднинг рўёбга чиқиши учун оптималь имконият яратадиган бўлиши лозим. Англашиладики, гап қурилиши билан адабий асар қурилиши орасида юқоридаги мақсадлардан келиб чиқадиган типологик умумийлик бўлиши табиий. Инчунун, адабий асар структурасини гап қурилиши модел (конструкция)ларига таянган ҳолда тушуниш ва тушунтириш мумкин бўлади” [4, 58].

Шу маънода, А.Орипов шеъриятида муаллиф ва қаҳрамон диалоги доимо бир-бирини тўлдириб туради. Мазкур икки тушунча уйғунлигидаги мулоқот моҳияти лирик субъект ижодий позициясини ижодкор дунёқарашига бирлаштиради. Эстетик предмет ҳамда унга муносабат диалогик мазмунни юзага чиқарган ҳолда кўз ўнгимизда тасвирдан ифодага ўтиш жараёни гавдаланади. Аникроғи, шеър руҳиятида муаллиф ва қаҳрамон позицияси реал воқеликда кайфиятга ўтказган таъсирини асосий ўринга кўтаради. Монолог ва диалог адабий тафаккур малакаси билан бўйлашадиган асосий категорияга айланади. Шу зайлда ҳаётий мантиқ ҳулосасидан бадий ифода бошланади, эстетик қиймат унинг яқуний қисми ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Абдулла Ориф. Адолат кўзгуси. –Т.: Адолат, 2005.
2. Жамол Камол. Шеър санъати. –Т.: Янги аср авлоди, 2018.
3. Йўлдошев Қ. Очқич сўз. –Т.: Тафаккур, 2019.
4. Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. –Т.: Шарқ, 2004.